

**Иноғомов Бахтиёр Исмоилович
Инагамова Муаззам Мирзаевна
Абдужаббарова Мактуба Тўхтасиновна**

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА
ГРАФИКА**

ФАНИДАН

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

I қисм

Тошкент 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ

**Инағомов Бахтиёр Исмоилович
Инагамова Муаззам Мирзаевна
Абдужаббарова Мактуба Тўхтасиновна**

АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА

ФАНИДАН

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

I қисм

Тошкент 2011

«Архитектуравий лойиҳалаш ва графика» фани бўйича ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент, 2011. – 150 бет.

Ушбу ўқув-услугий мажмуа “Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фани асосида яратилган бўлиб, кўргазма зали ва кам қаватли турар жой уйларни архитектуравий лойиҳалашга бўлган талаблар берилган ва унда амалий машғулотларни ўрганиш бўйича архитектура таълим йўналиши учун ўқув дастури, таълим технологиялари, кўргазмали слайдлар, жорий, оралик ва якуний назорат топшириқлари жамланган.

Мазкур ўқув-услугий мажмуа архитектура таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услугий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: архитектура номзоди, доцент Иноғомов Б.И.
катта ўқитувчилар Инагамова М.М, Абдужабборовва М.Т.

Такризчилар: педагогика фанлари номзоди, доцент Абдуллаева Ш.Ш.
архитектура номзоди Мирзаев М.К.

	МУНДАРИЖА		
	КИРИШ		6
1.	“Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фанининг ўқув дастури		7
2.	“Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фани бўйича ишчи ўқув дастур		13
3.	“Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фани бўйича баҳолаш мезони		19
4.	Календар режа		23
5.	Амалий машғулотларнинг технологик модел ва хариталари		29
6.	1- амалий машғулот	Кўргазма залларини ўзига хос томонлари	30
7.	2- амалий машғулот	Лойиҳалашга бўлган талаблар	34
8.	3- амалий машғулот	Эскиз ғоя устида ишлаш	38
9.	4- амалий машғулот	Архитектуравий графика ва ғоя устида ишлаш	41
10.	5- амалий машғулот	Кўргазма залларини лойиҳалаш асослари	45
11.	6- амалий машғулот	Лойиҳавий технологияларни ўрганиш	49
12.	7- амалий машғулот	Кўргазма бинолари хоналарини технологик боғлиқлик схемалари	55
13.	8- амалий машғулот	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш	60
14.	9- амалий машғулот	Клаузурани муҳокама қилиш	64
15.	10- амалий машғулот	Бино тархи устида изланиш	66
16.	11- амалий машғулот	Конструктив ечим устида ишлаш	70
17.	12- амалий машғулот	Композицион тарз устида ишлаш	73
18.	13- амалий машғулот	Лойиҳани оққа қаламда графикада чизиш	76
20.	14- амалий машғулот	Лойиҳани график усулида қаламда оққа чизишни тугатиш	79
21.	15- амалий машғулот	Лойиҳани графикада бажариш	83
22.	16- амалий машғулот	Лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш	85
23.	17- амалий машғулот	Лойиҳани акварель графикада бўяш	88
24.	18- амалий машғулот	Лойиҳа ишини график безашни тугатиш	91
25.	19- амалий машғулот	Лойиҳани график безашни якунлаш ва баҳолаш	93
26.	20- амалий машғулот	Кам қаватли турар жой уйларини ўзига хос томонлари	95
27.	21- амалий машғулот	Лойиҳалашга бўлган талаблар	100
28.	22- амалий машғулот	Эскиз ғоя устида ишлаш	104

29.	23- амалий машғулот	Архитектуравий графика ва ғоя устида ишлаш	107
30.	24- амалий машғулот	Кам қаватли турар жой уйларини лойиҳалаш асослари	111
31.	25- амалий машғулот	Лойиҳавий технологияларни ўрганиш	115
32.	26- амалий машғулот	Турар жой биноларини технологик боғлиқлик схемалари	118
33.	27- амалий машғулот	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш	122
34.	28- амалий машғулот	Клаузурани муҳокама қилиш	125
35.	29- амалий машғулот	Бино тархи устида изланиш	128
36.	30- амалий машғулот	Конструктив ечим устида ишлаш	131
37.	31- амалий машғулот	Композицион тарз устида ишлаш	134
38.	32- амалий машғулот	Лойиҳани оққа қаламда графикада чизиш	137
39.	33- амалий машғулот	Лойиҳани график усулида қаламда оққа чизишни тугатиш	139
40.	34- амалий машғулот	Лойиҳани графикада бажариш	141
41.	35- амалий машғулот	Лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш	143
42.	36- амалий машғулот	Лойиҳани акварель графикада бўйаш	145
43.	37- амалий машғулот	Лойиҳа ишини график безашни тугатиш	147
44.	38- амалий машғулот	Лойиҳани график безашни якунлаш ва баҳолаш	149

КИРИШ

Лойиҳа қилинадиган кўргазма павильони жамоат биноларининг маданий муассасалар бинолари таркибига кириб, катта шаҳар ва вилоятларда қуришга мўлжалланган.

Шаҳарсозлик нуқтаи назардан кўргазма павильонлари қўйидаги уч белгиларга: экспозицияларни маъноси, таъсир қилиш зонаси ва кўрсатиш вақтига асосан классификацияланади.

Кўргазма павильонлари функциясига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, техник ижодиёт, бадиий ижодиёт, махсус гуллар, флателия, ҳайвонот ва ҳ.к. қатнашувчиларнинг контингентига кўра улар халқаро, Республика, вилоят, шаҳар ва ноҳия кўргазмалари бўлиши мумкин.

Ҳар бир кўргазма павильонларининг ўзига хос архитектура – фазовий муҳит бўлиши керак бўлади ва бу муҳитга ўрта вазифа қўйилади: эришилган ютуқни кўрсатиш, информациялар билан алмашиш ва тажриба алмашиш.

Кўргазма павильон биносини IV – иқлим шароитини ҳисобга олиб лойиҳа қилиниши керак бўлади. Бунда 7 – 9 даражали зилзиласимонликни, иссиқ шароитини ва шунга кўра ободончиликка, сув ҳавзалар ва фаввораларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу семестрда бажариладиган иккинчи лойиҳа кам қаватли турар жой биноси.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пунктларидаги реал шароитлар учун 1 – 2 қаватли хусусий яшаш уйлари типидagi коттеджларни лойиҳалашда зарур бўладиган амалий савияларнинг талабалар томонидан эгалланиши лойиҳанинг бош масаласи деб ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ _____
2008 йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг
2008 йил «_____» _____ даги
«_____» - сонли буйруғи билан
тасдиқланган

АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500000	- Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари
Таълим соҳаси:	580000	- Архитектура ва қурилиш
Таълим йўналиши:	5580100	- Архитектура

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ўқув – услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «__» _____даги «__» - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент архитектура – қурилиш институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Убайдуллаев Ҳ.М. - “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудир, профессор, арх. ном.

Инагамов Б.И. - “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти, арх. ном.

Инагамова М.М. - “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси катта ўқитувчиси

Абдужаббарова М.Т. - “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Ташмухамедов Т. - Тошкент шаҳар қуриб қайта тиклаш ва обод қилиш лойиҳа қилиш бош архитектори.

Мирзаев М.С. - Узмеъморлойиҳа Архитектура - режалаштириш бўлим бошлиғи

Фаннинг ўқув дастури. Тошкент Архитектура – қурилиш институти илмий – услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил _____ даги «__» сонли баённома)

Кириш

Ўзбекистондаги сиёсий ва маънавий ривожланиш, жамиятни демократлаштириш ислохотлари, ижтимоий ва илмий – техник тараққиёт мамлакатимиздаги архитектура ва қурилиш соҳасидаги олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ривожлантирди. Функционал ҳамда янги қурилиш ашёлардан фойдаланган ҳолда архитектуравий лойиҳалаш ва қурилишнинг услублари ривожлана боради. Бу ўз навбатида ёш архитектор мутахассислар тайёрлашга янгича технологияни ва ёндошишни талаб этади.

Архитектор мутахассисликлгини тайёрлашнинг ўқитиш жараёнида асосий эътибор Архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган Архитектуравий лойиҳалаш ва графикани ўргатишга қаратилади. Ушбу дастурда архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқичида бажариладиган лойиҳа ишлари, бажарилишини графика йўналишини белгилаб берувчи омил ва воситаларини ўз ичига олади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда архитектуравий лойиҳалаш босқичлари, омиллари, графика услуби, турлари тўғрисидаги билими, кўникма ва малака шакллантириш, умуман қурилиш ва хусусан архетиктура билан боғлиқ булган лойиҳалаш, амалиётга татбиқ қилиш, назорат олиб бориш, сермахсул фаолият олиб бориш, зарур бўлган касбий ва шахсий кўникмаларга эга бўлиш;

Фаннинг вазифаси – талабаларга архитектуравий лойиҳалаш жараёнини ва графикани ўзлаштириш хусусиятларига ўргатишдан, ҳамда архетиктуранинг фундаментал асосларини мустаҳкам узлаштириш, тегишли техникавий воситалардан фойдаланиш, архетиктура тизимларини шакллантириш, моделлаш, таҳлил қилиш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлишдир.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Архитектуравий лойиҳалаш ва графика ўқув ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган татбирлар доирасида бакалавр:

- архитектуравий лойиҳалаш ва графика босқичлари, графика услублари;
- бино ва иншоотларнинг функционал ва типологик тузилиши;
- архитектуравий композиция ва лойиҳавий тузилмаси;
- турар жой, жамоат ва саноат биноларини архитектуравий ечимлари, функция ва шакл, конструктив тизим тўғрисидаги **билимга эга бўлиши** ва уларни бошланғич лойиҳада қўллай **олиши лозим**;
- архетиктуравий лойиҳалашда компьютер графигини қўллаш;
- турар жой, жамоат, саноат биноларини лойиҳалаштириш борасида меъёрий маъмурий ҳужжатларни тузиш;
- архетиктуравий лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш;
- талаба архитектуравий лойиҳалаш ва графика услублари талабларини ифодалаш, кўрсата олиши ижодий тўғрисидаги **кўникмаларига эга бўлиши** керак.
- талабалар лойиҳаларини тарифлаш, уларни бажариш ва тузилган лойиҳалар натижаclarини ҳимоя қила олиш;
- архетиктуравий лойиҳалашдаги технологик жараёнларда илмий ишламалардан фойдаланиш;
- талаба лойиҳа қилаётган объектларда, графика ишларида ашёларни, функционал боғлиқликни, конструктив таҳлил қилиш, уларни лойиҳа ва графика ишларида самарали

ишлатиш, лойиҳада график услубларини қўллай олиши, лойиҳа объектларини техник – иқтисодий кўрсаткичларига амал этиш *малакаларига эга бўлиши* лозим.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

Архитектуравий лойиҳалаш ва графика фани 4 – ва 5 – семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялар) ва умум касбий (чизма геометрия ва компьютер лойиҳа, қаламтасвир, рангтасвир ва хайкалтарошлик, архитектуравий композиция асослари) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Архитектуравий лойиҳалаш ва графика фанида бажарилаётган лойиҳа ишлари мавзулари ва лойиҳалаш жараёни бевосита лойиҳа илмий текшириш институтларидаги лойиҳалаш жараёнларига боғлиқ. Ушбу фан архитектуравий фани хисобланиб, лойиҳалаш тизимининг бошланғич бўлагидир. Лойиҳа тадқиқот ташкилотларида қулланилаётган лойиҳалаш тизими – эскиз лойиҳа, техник лойиҳа, ишчи лойиҳа, график услублари босқичлари ўқув архетиктуравий лойиҳалаш ва графика фани билан ўзвий боғлиқ. Ўқув архетиктуравий лойиҳалаш жараёни бевосита компьютер графикаси ёрдамида амалга оширилади, бу эса лойиҳалаш ташкилотлардаги автоматлаштирилган тизим талабларига мувофиқ келади.

Фанни ўқитишда замонавий ва педагогик технологиялар

Архитектуравий лойиҳалаш ва графика фанини ўзлаштириш учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида, лойиҳа ва графика ишида замонавий воситалардан, компьютерда лойиҳа мавзуси бўйича презентацион услубий, ўқув ва кўрсатма материаллар ва лойиҳа макетларидан фойдаланилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар архитектуравий лойиҳалаш ва графикани лойиҳалаштириш босқичларини, бадий ва композицион тузилмаларини, конструктив ечимларини, функция ва шакл омилларини ўрганадилар.

Амалий архитектуравий курс лойиҳа ва графика машғулотларининг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Кичик хажмли кенг муҳитли бино – 800 м.кв юзали кўргазма зали, архитектуравий лойиҳаси.

Лойиҳа функционал шаклланишига, асосий хоналарни боғланишига ва кенг муҳитли қурилмалардан кенг фойдаланишга эътибор бериш.

2. Ячейкали кичик бино – кам қаватли турар жой архитектуравий лойиҳаси.

Кам қаватли турар жой типологиясига, турар жойларни анъанавий ечимларига, миллий урф одат ва бошқаларга аҳамият бериш.

3. Архитектуравий графика – ашёларни, биноларни чизикли, нукта ва акварел, гуашда рангли графикаси.

Графика ишларида акварел, гуаш ва темперада ишлаш жараёнининг тартиби, ландшафтни интерьерни тасвирлашда перспектив ҳолатларига эътибор бериш ва график ҳолатларини тўғирлаш усуллари.

4. Функционал хоналарни ўзаро мураккаб боғланган бино – шаҳар ва вилоят клублари:

- 500 ўринли кинотеатр;
- 18 синфли мактаб, лицей биносини архитектуравий лойиҳаси.

Клуб биноларни лойиҳалаш амалий ишида клуб томоша зали ва маъмурий хоналарни ўзаро боғланиши.

5. Енгил автомобиллар учун гаражлари.

Енгил автомобиллар сизими, жойлаштириш усуллари, вертикал боғланиш турлари.

6. Техник хизмат кўрсатиш шахобчаси.

Техник хизмат кўрсатиш шахобчасини технологик схемаси, техник хизмат кўрсатиш блоклари ва уларни технологик жараён асосида боғлаш.

Амалий архитектуравий лойиҳа ва графика машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор, ўқитувчилари томонидан услубий кўрсатма ва лойиҳалаш бўйича топшириқ, тавсиялар ишлаб чиқилади. Шунингдек дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабаларни лойиҳалашга, графикага бўлган ижодий фикрлашга, ғояга эришиш мақсадида тарқатма материаллардан фойдаланиш, тасвирий воситалар билан таништириш, эскиз ғоя устида ишлаш орқали талабаларни лойиҳалашга бўлган билимини ошириш ва бошқалар тавсия этилади.

Курс лойиҳасини ва графикани ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Архитектуравий лойиҳалаш ва графиканинг мақсади талабаларни мустақил ижод қилиш фаоллигини ривожлантириш, олган ижодий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилишдир.

Курс лойиҳа мавзулари лойиҳа тадқиқот ташкилотларида бажариладиган амалий лойиҳа ишларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Архитектуравий курс лойиҳасининг мавзулари ва топшириқ вазифалари олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талаба шахсий ижодий архитектуравий лойиҳа ишини бажаради.

Курс лойиҳа объекти сифатида архитектуравий лойиҳалаш ва графика вазифалари, жойлаштириш ҳолати ва КМК ҳисобланади.

Курс лойиҳасини архитектуравий қисми - фасад, тархи, қирқим, бош тарх ва перспектива ёки макет архитектуравий графикада, қўлда бажарилади.

Курс лойиҳасининг архитектуравий график қисми 0,75 x 0,55, 08 x 0,8 форматли планшетларда бажарилиб, график қисми тўлиқ бажарилиши керак бўлади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда архитектуравий лойиҳа ва графика фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ишлар тавсия этилади.

- лойиҳа ва графика мавзулари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш;
- тарқатма материаллар, лойиҳа вазифалар ва кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ижодий фикрлаш ва шунинг асосида эскиз лойиҳа қилиш;
- дарслик, архитектура журнали ва лойиҳа альбомларида кўрсатилган лойиҳалардаги лойиҳа ғояларини ўрганиш.

Тавсия этилган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Лойиҳа мавзуси асосида қилишаётган лойиҳа ишини вариантлари.
2. Кенг муҳитли конструктив тизим схемаларини ўрганиш.
3. Калька ишини лойиҳа мавзусига мос равишда тузиш.
4. Графикада ишлатиладиган – акварель, гуаш, бўёқларни ранглар мутоносиб-лигини ўрганиш.
5. Хоналарни ўзаро боғланиш технологияларини ўрганиш.

6. Махсус адабиётлар бўйича лойиҳа мавзулари устида ишлаш.
7. Янги лойиҳа технологияларини ўрганиш.
8. Талабаларни ўқув – илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган лойиҳа мавзуларини чуқур ўрганиш.
9. Лойиҳа графикасини бажариш бўйича ишларини бажариш.
10. Архитектура графикани ўрганиш ва лойиҳада татбиқ қилиш.
11. Акварель, гуаш ва темперада ишлаш жараёнини мустақил ўрганиш.
12. Лойиҳа тарз элементларини композицион тузилмаларини ўрганиш.
13. Антуражни нукта ва штрихлаш усулларини ўрганиш.

Дастурнинг инфор­мацион – услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида лойиҳа мавзусига мос архитектуравий биноларни компьютер ёрдамида презентацион кўрсатув технологиялари қўлланиши назарда тутилади.

Фойдаланадиган асосий дарсликлар ва ўқув қўланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўланмалар

1. Милажевская Е.К. и др. “Клубы” Москва 1990 г.
2. Бархин Г.Б. «Архитектура театр» Москва -1997 г.
3. Зимул С.Г., Маханько Б.А. «Архитектурное типология зданий и сооружений» Москва -2001 г.
4. Методические материалы к государственной общенациональной программе развития школьного образования на 2004-2009 года. Ташкент – 2004 г.
5. Маракаев Р.Ю., Юсупов Р.Д., Убайдуллаев Х.М., Шайданова Л.Р. “Пространственные конструкции покрытий зданий и сооружений” (учебное пособие) Ташкент - 2006 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Асамов Р.Д., Иногамова М. «Тура ржой бинолари типологияси» ўқув қўланма 2000 й.
2. Махмудов В.М. Инагамов Б.И. «Архитектуравий графика» ўқув қўланма ТАҚИ 2007 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«Тасдиқлайман»

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____Тўлаганов А.

2011 й. «__» _____

«АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА»

фанидан ишчи уқитув дастур

580000 – Архитектура ва қурилиш таълим соҳаси

5580100 – «Архитектура» таълим йўналиши учун

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Умумий ўқув соати - 622

Шу жумладан:

Маъруза -

Амалий лаборатория ва семинар

машғулотлари - 296

Мустақил таълим соати - 326

ТОШКЕНТ - 2011

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тошкент архитектура –қурилиш институти Илмий –услубий Кенгашининг 2011 й. “_____” _____- сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Ушбу ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Иногамов Б.И. - “Архитектуравий лойиҳалаш” каф. доцент

Инагамова М.М. - “Архитектуравий лойиҳалаш” каф. кат.ўқитувчи

Такризчилар: проф. Убайдуллаев Х.М.
проф. Хидоятов Т.А.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Архитектура факультети Илмий кенгашининг 2011 й. “_____” _____ даги «_____» -сон қарори билан тасдиқланди.

Илмий Кенгаш раиси:

2011 й. “_____” _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Келишилди:

Кафедра мудири:

2011 й. “_____” _____ доц. Мансуров Я.М.
(имзо) (Ф.И.О.)

I. Фан бўйича машғулотлар турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

№	Машғулотлар номи	Соатлар
1	Таълим шакли	Кундузги
2	Таълим босқичи	2
3	Таълим семестри	IV-V
4	Маъруза машғулотлари	-
5	Амалий лаборатория ва семинар машғулотлари	296
6	Мустақил таълим	326
7	Назорат шакли: Рейтинг 1 Рейтинг 2 Якуний Назорат ишини баҳолаш	

Эслатма: 1. Рейтинг нуқтали ва чизиқли график иши назорати асосида ўтказилади ва баҳоланади.
2. Рейтинг рангли графикада чизилган ишларни баҳолаш.
3. Якуний рейтингда курс лойихаси иши баҳоланади ва якуний баҳо қўйилади..

II. Умумий қоидалар

Архитектор мутахассисликлгини тайёрлашнинг ўқитиш жараёнида асосий эътибор Архитектура фанининг энг муҳим қисми бўлган Архитектуравий лойиҳалаш ва графикани ўргатишга қаратилади. Ушбу дастурда архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқичида бажариладиган лойиҳа ишлари, бажарилишини графика йўналишини белгилаб берувчи омил ва воситаларини ўз ичига олади.

Талабаларнинг олган билимларини назорат қилиш усули асосан: IV ва V семестрлар охирида курс ишлари баҳосининг якунини чиқариш ва узлаштиришини рейтинг ҳисобида аниқлашдан иборат.

III. Фанни мақсади ва вазифадари

«Архитектуравий лойиҳалаш ва графика» фани дастлабки босқичда талабаларда графикага мохирликни уйғотиш, меъморий ғояларни чизмада турли техник воситалар билан кўрсата билиш ҳамда курс ва диплом лойиҳаларини бажаришда, қолаверса амалий ишларда яқка ўзи ишлай билиши каби услубларни шакллантиради.

Ушбу курсни ўқитишда ТАҚИ томонидан чиқарилган ўқув қўлланмалар асос қилиб олинган. Махмудов В.М., Инагамов Б.И., “Архитектуравий графика”, ўқув қўлланма, Тошкент, 2007 й.

Биринчи бўлим

«Архитектура» таълим йўналиши талабалари учун «Архитектуравий лойиҳалаш ва графика» курсининг ишчи ўқув дастурига умумий кўрсатма.

«Архитектуравий лойиҳалаш ва графика» курси ўз ичига амалий машғулотлар, курс ишлари бажариш, архитектуравий график ишлар ва ташқи муҳитдан лавҳалар чизиш кабиларни олади.

Амалий машғулотлар вақтида талабалар чизмани кўрсата билишга қўйилган талаб билан лойиҳаларни, вазифаларни бажара билиш ва харфлар ёзишнинг намуналари урганилади. Амалий машғулот дарсларида, ўқитувчи раҳбарлигида лойиҳа ишларини турли техник воситалар усулида бажариб, ҳаётий лавҳалардан дастлабки эскиз вариантларини, кейинчалик қайтадан ишлов бериш учун тайёрлайдилар.

IV. Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни (V-V семестр)

№	Мавзуларнинг номи	Соатлар сони		
		маъруза	Амалий машғулот	Талабанинг мустақил иши
1	2	3	4	5
1	Ўзбекистон шароитида кўргазма залларини ва кам қаватли уйларни лойиҳалашни ўзига хос томонлари		16	24
2	Мавзу асосида топшириқ бериш, лойиҳалашга бўлган талабларни ўрганиш		16	24
3	Ғоя устида ишлаш, эскиз қилиш		16	24
4	Архитектура графика услулари ўрганиш		16	24
5	Эскиз устида ишлаш, лойиҳавий технологияларини ўрганиш		32	24
6	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш		16	
7	Клаузурани бажариш		8	24
8	Бинони тархи устида изланиш		16	24
9	Конструктив ечим устида ишлаш		16	24

10	Композицион тарз устида ишлаш. График ишлари бажариш		16	24
11	Лойиҳани оққа қаламда графикада чизиш.		16	24
12	Лойиҳани рангда графикада бажариш.		16	24
13	Акварел графика усулида вазифани бажариш		32	24
14	Лойиҳани график безаш ва график		32	14
	Жами :		296	326
	Жумладан: - 622 Амалий машғулот - 296 Мустақил иш - 326			

V. МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ

№	Мустақил ўрганиш учун тавсия этилган мавзулар	Хисобот шакли	Соат
1	Ўзбекистон иқлим шароитини лойиҳалашга нисбатан ўрганиш	Реферат	24
2	КМК билан танишиш	Хисобот	24
3	Мавзу бўйича эскиз қилиш	График ишларни бажариш	24
4	Графикада ишларни бажариш	Нуқта ва чизик ишини бажариш	24
5	Технологик схемаларни бажариш	график схемаларни топшириш	24
6	Мавзу асосида эскиз қилиш	чизмаларни топшириш	24
7	Клаузура	Клаузурани бажариш	24
8	Схематик тархлар	чизиш	24
9	Замонавий конструкцияларни ўрганиш	чизмалар	24
10	Композицион системалар	график чизма	24
11	Қаламда графикада чизиш	График чизма планшетда	24
12	Бўёқда ишлаш	График устида бажариш	24
13	Лойиҳани танланган графикада бажариш	Планшетда бажариш	24

14	Лойиҳани тугатиш ва топшириш	Планшетда тўлиқ бажариш	14
Жами:			326

VI. Информацион- услубий таъминот

Ўқув жараёни шароитини яхшилаш, асбобларни кўпайтириш ва ўқув жараёнини ахборотини кучайтириш кўриладиган ва ауди кўриладиган ўқув техник воситаларни: диапроекторлар, графопроекторлар (эпидоскоплар), компьютерларни қўллаш таклиф этилади.

Фойдаланадиган асосий дарсликлар ва ўқув қўланмалар рўйхати **Асосий дарсликлар ва ўқув қўланмалар**

1. Милажевская Е.К. и др. “Клубы” Москва 1990 г.
2. Бархин Г.Б. «Архитектура театр» Москва -1997 г.
3. Зимул С.Г., Маханько Б.А. «Архитектурное типология зданий и сооружений»
Москва -2001 г.
4. Методические материалы к государственной общенациональной программе развития
школьного образования на 2004-2009 года. Ташкент – 2004 г.
5. Маракаев Р.Ю., Юсупов Р.Д., Убайдуллаев Х.М., Шайданова Л.Р.
“Пространственные
конструкции покрытий зданий и сооружений” (учебное пособие) Ташкент
- 2006 г.

Қўшимча адабиётлар

1. Убайдуллаев Х.М, Инагамова М.М “Турар жой ва жамоат бинолари архитектуравий типологияси асослари” Тошкент 2009й (дарслик).
2. Махмудов В.М. Инагамов Б.И. «Архитектуравий графика» ўқув қўланма, ТАҚИ 2007 й.
3. “Шаҳар ва қишлоқ манзилларини режалаштириш ва қуриш”(ҚМҚ 2.07.01-94) Тошкент 1997 й.
4. “Общественные здания и сооружение”, (ШНК 2.08.02.07) Тошкент 2006 й

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ўқув ишлари бўйича
проректор Р. Кучкаров**

23 июнь 2011 й.

**АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА
фани бўйича**

5580100 – «Архитектура» таълим йўналиши учун

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Тошкент–2011

Фан бўйича баҳолаш мезони намунавий ва ишчи ўқув дастурлари ҳамда ишчи ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Мансуров Я.М. ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири,
архитектура номзоди, доцент _____ (имзо)

Иноғомов Б.И. ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси катта доценти
_____ (имзо)

Такризчилар:

Хидоятлов Т.А. – ТАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси профессори, д.арх.
Мирзаев М.К. – ТАҚИ “Шаҳарсозлик ва ландшафт” кафедраси доценти, арх.ном.

Фаннинг баҳолаш мезони “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мажлисининг
2011 йил 20 сентябрдаги 20-сонли мажлисида кўриб чиқилган.

“Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири **доц. Я. Мансуров**

Фаннинг баҳолаш мезони Архитектура факультети кенгашида 2011 йил
_____ - сонли мажлисида тасдиқланди.

Архитектура факультети декани **доц. Ш. Рейимбаев**

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби (2010.25.08. №333 буйруғига кўра)

“Архитектурвай лойиҳалаш ва графика” фани бўйича (4 ва 5 семестрларда) бажарилган ҳар бир амалий – курс лойиҳа учун жорий назорат шаклида ўтказилади. Жорий назорат Архитектуравий лойиҳалаш ва уни бажариш жараёнидан келиб чиқиб, ҳар бир амалий – курс лойиҳасига 35 баллдан ажратилади. Амалий архитектуравий курс лойиҳасига уй вазифалари, эскиз – назорат иши, амалий машғулот даврида ва уйда бажарилган амалий график ишлари киради.

4 семестрда – кўргазма зали ва кам қаватли турар жой биноси.

5 семестрда – 200 – 300 ўринли гараж ва енгил автомобилларни техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси (ЕАТХКШ) ва 500 ўринли кинотеатр ёки клуб.

Ҳар бир семестр учун:

1 курс лойиҳа + 2 курс лойиҳа = 70 балл.

Ж Б₁ 35

Ж Б₂ 35

Талаба семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади.

Якуний назорат – 30 балл.

“Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фани бўйича жорий назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

“Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фанидан талабалар билимини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

4 семестр бўйича

9 ҳафта	8 ҳафта	1 ҳафта	Талабани ўзлаштириш даражаси
35 б	35 б	30 б	
ЖБ ₁	ЖБ ₁	ЯБ	86 – 100 балл учун:
30,1 – 35	30,1 – 35	25,8 – 30	хулоса ва қарор қабул қилиш, мустақил ишлай бериш, амалда қўллай олиш, моҳиятни тушуниш, чиза билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлиш
24,8 – 29,7	24 – 29,7	21,3 – 25,5	71 – 85 балл учун: Мустақил ишлай билиш, амалда қўллай олиш, моҳиятни тушуна

			билиш, кўрсата олиш ва тасаввурга эга бўлиш
19,2 – 24,5	19,2 – 24,5	16,5 – 21,0	55 – 70 балл учун: Моҳиятни тушуниш, кўрсата бериш, тасаввурга эга бўлиш
			0 – 54 балл учун: Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик

Талабанинг “Архитектуравий лойиҳалаш ва графика” фани бўйича семестрдаги (4 семестр – 152 соат, 5 семестр – 144 соат) рейтинги қуйидаги қуйидаги аниқланади.

$$R_1 = \frac{V O^1}{100}$$

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда).

O¹ – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

«АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА» ФАНИДАН ИШЧИ ДАСТУР БАЖАРИЛИШИНИНГ

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

№	Модул ва мавзу номлари	Машғулот тури	Ажрат ил- ган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмун	Хисобот шакли	Бажарилиши хақида маълумот		Ўқитув чи имзоси
						Со ат	Ой ва кун	
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.	Кўргазма залларини ўзига хос томонлари	Амалий	4					
2.	Лойиҳалашга бўлган талаблар	Амалий	4	Кўргазма павильонлар лойиҳалари бўйича материаллар тўплаш ва лойиҳавий таҳлил қилиш	Таҳлилий эскиз	9		
3.	Эскиз ғоя устида ишлаш	Амалий	4	Кўргазма залларини архитектуравий ечимини график усулда бажаришни ўрганади	График ишларни бажариш	8		
4.	Архитектуравий графика ва ғоя устида ишлаш	Амалий	4	Архитектуравий лойиҳадаги эскиз тархида хоналарни жойлаштириш ва	График усулда бажариш	9		

				графика амалий ишида танланган перспективадаги уйни оққа қаламда чизиш				
5.	Кўргазма залларини лойиҳалаш асослари	Амалий	4	Танланган лойиҳа вариантини ишлашни давом эттириш	график схемалар тарзида	9		
6.	Лойиҳавий технологияларни ўрганиш	Амалий	4	Берилган клаузурани давом эттириш ва эскиз ғояда бино тарзини тугатиш	чизмада	9		
7.	Кўргазма бинолари хоналарини технологик боғлиқлик схемалари	Амалий	4	Кўргазма биноларининг технологик схемаларини ўрганиш	схема	8		
8.	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш	Амалий	4	Хоналарнинг ўзаро боғланишини ва қурилиш материалларини графикада ишлашни ўрганиш	Графика-да	9		
9.	Клаузурани муҳокама қилиш	Амалий	4	Клаузурадаги камчиликлар устида ишлаш	чизмалар	9		
10.	Бино тархи устида изланиш	Амалий	4	Лойиҳа ишининг тархий қисмини	график чизма	9		

				еҷиш.				
11.	Конструктив ечим устида ишлаш	Амалий	4	Лойиҳадаги конструктив системани ўрганиш	Оғзаки таҳлил	8		
12.	Композицион тарз устида ишлаш	Амалий	4	Танланган композицион ечимни тарзда чизиш	Эскиз шаклда	9		
13.	Лойиҳани оққа қаламда графикада чизиш	Амалий	4	Лойиҳани қаламда оққа кўчиришни бажариш	Планшет- да бажариш	8		
14.	Лойиҳани график усулида қаламда оққа чизишни тугатиш	Амалий	4	Тарзни график усулда тугатиш	Планшет- да	9		
15.	Лойиҳани графикада бажариш	Амалий	4	Лойиҳани тархий ечимини графикада чизиш	Планшет- да	9		
16.	Лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш	Амалий	4	Лойиҳа ишини акварел график усулида бажариш	Планшет- да	9		
17.	Лойиҳани акварель графикада бўяш	Амалий	4	Лойиҳани перспектив кўринишини графикада тугатиш	График ишларни бажариш	9		
18.	Лойиҳа ишини график безашни тугатиш	Амалий	4	Мавзу бўйича бажарилаётган лойиҳадаги антуражни бажариш	График усулда	9		
19.	Лойиҳани график безашни яқунлаш ва	Амалий	4			9		

	баҳолаш							
20.	Кам қаватли турар жойларни ўзига хос томонлари	Амалий	4	Мавзу асосида эскиз қилиш	Чизмаларни топшириш	9		
21.	Лойиҳалашга бўлган талаблар	Амалий	4	Кўргазма павильонлар лойиҳалари бўйича материаллар тўплаш ва лойиҳавий таҳлил қилиш	Таҳлилий эскиз	8		
22.	Эскиз ғоя устида ишлаш	Амалий	4	Кўргазма залларини архитектуравий ечимини график усулда бажаришни ўрганади	График ишларни бажариш	9		
23.	Архитектуравий графика ва ғоя устида ишлаш	Амалий	4	Архитектуравий лойиҳадаги эскиз тархида хоналарни жойлаштириш ва графика амалий ишида танланган перспективадаги уйни оққа қаламда чизиш	График усулда бажариш	9		
24.	Кўргазма залларини лойиҳалаш асослари	Амалий	4	Танланган лойиҳа вариантини ишлашни давом	график схемалар тарзида	9		

				эттириш				
25.	Лойихавий технологияларни ўрганиш	Амалий	4	Берилган клаузурани давом эттириш ва эскиз ғояда бино тарзини тугатиш	чизмада	9		
26.	Кўргазма бинолари хоналарини технологик боғлиқлик схемалари	Амалий	4	Кўргазма биноларининг технологик схемаларини ўрганиш	схема	9		
27.	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш	Амалий	4	Хоналарнинг ўзаро боғланишини ва қурилиш материалларини графикада ишлашни ўрганиш	Графика-да	9		
28.	Клаузурани муҳокама қилиш	Амалий	4	Клаузурадаги камчиликлар устида ишлаш	чизмалар	9		
29.	Бино тархи устида изланиш		4	Лойиха ишининг тархий қисмини ечиш	график чизма	9		
30.	Конструктив ечим устида ишлаш		4	Лойихадаги конструктив системани ўрганиш	Оғзаки таҳлил	9		
31.	Композицион тарз устида ишлаш		4	Танланган композицион ечимни тарзда чизиш	Эскиз шаклда	9		
32.	Лойихани оққа қаламда графикада чизиш		4	Лойихани қаламда оққа кўчиришни	Планшет-да	9		

				бажариш	бажариш			
33.	Лойиҳани график усулида қаламда оққа чизишни тугатиш		4	Тарзни график усулда тугатиш	Планшет- да	9		
34.	Лойиҳани графикада бажариш		4	Лойиҳани тархий ечимини графикада чизиш	Планшет- да	9		
35.	Лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш		4	Лойиҳа ишини акварел график усулида бажариш	Планшет- да	9		
36.	Лойиҳани акварель графикада бўяш		4	Лойиҳани перспектив кўринишини графикада тугатиш	График ишларни бажариш	9		
37.	Лойиҳа ишини график безашни тугатиш		4	Мавзу бўйича бажарилаётган лойиҳадаги антуражни бажариш	График усулда	9		
38.	Лойиҳани график безашни якунлаш ва баҳолаш		4					
	Жами :		152			319		
	Жумладан: Амалий машғулот Мустақил иш	- 471 - 152 - 319						

Ўқитувчилар: Инагамов Б.И., Инагамова М.М., Абдужаббарова М.Т.

5.1.

“АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ” КАФЕДРАСИ

***АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ГРАФИКА
ФАНИДАН***

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ МОДЕЛИ ВА
ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ХАРИТАСИ**



Тошкент – 2011

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 1	“Кўргазма залларини” лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари
----------------	---

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Маъруза режаси:	1. Ўзбекистонда кўргазма залларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечими.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга ўқув курсида кўргазма залларини лойиҳалашни ўзига хос томонлари бўйича тушунча бериш, мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Ўзбекистонда кўргазма залларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечимини тушунтиради.	Ўзбекистонда кўргазма залларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечими ҳақида тушунча олади.
Таълим услублари	Амалий машғулоти
Таълим воситалари	Кўргазма материаллари,
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳ билан ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки, лойиҳа чизмалари.

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Тайёргарлик (40 мин)	1.1. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова)	Тинглайдилар.
2–босқич Асосий қисм (100 мин)	2.1. Ўзбекистонда кўргазма залларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечимини тушунтиради. (2- илова)	Топширикни амалда бажаришга киришади. Бажаради ва кўмак олади.
3.-босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Керакли адабиётлар билан таништирилади. (3-илова)	Бажарилган ишларни ўзаро муҳокама қиладилар. Саволлар берадилар. Топширикни оладилар.

Илова 1

“Архитектура лойиҳалаш ва графика” фанидан назорат туралари ва уни амалга ошириш тартиби.

2010 йил 15 августдаги 333- сонли буйруғига асосан 100 баллик назорат турларига қуйидагича тасдиқланади:

Фан бўйича жорий назорат суҳбат, уй вазифаси, ёзма мавзулардан билим, кўникма аниқланади.

Жорий назорат – 35 балл.

Жорий назорат фанинг семестр давомида, бир неча мавзуларни ўз ичига олган билим ва кўникма даражаси бўлиб, семестрда бажарилган 1 - курс лойиҳаси ва график ишларни натижасига кўра белгиланади.

Оралик назорат – 35 балл.

Оралик назорат фанинг семестр давомида, бир неча мавзуларни ўз ичига олган билим ва кўникма даражаси бўлиб, семестрда бажарилган 2 - курс лойиҳаси ва график ишларни натижасига кўра белгиланади.

Якуний назорат – 30 балл.

Якуний назорат – курс лойиҳасини ҳимоясига, мустақил таълим давридаги бажарилган ижодий ишлар, қўшимча график ишларга асосланган ўтказилади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида қабул қилинади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларни амалда қўллай олиш;
- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларни амалда қўллай олиш;
- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- график усулда чиза олмаслик.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{Q \cdot V}{100}$$

2- илова

Ўзбекистонда кўргазма залларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари.

Кўргазма бинолари ва комплексларининг асосий мақсади аҳолининг турли меҳнат фаолиятлари халқ хўжалиги, техникаси ва маданиятидаги эришган ютуқларини намойиш этиш ва тарғиб қилишдир.

Кўргазмалар универсал ҳолда ва бирор мавзу асосида, саноат ва савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги бўйича маданиятнинг алоҳида жабҳалари: маориф, соғлиқни сақлаш, миллат, мебельсозлик, дизайн бўйича ташкил этилиши мумкин.

Кўргазмалар қатнашчиларининг таркибига кўра қуйидаги турларга бўлинади: халқаро, умумжаҳон, республика, ўлка, вилоят ва маҳаллий, шаҳар миқёсидаги кўргазмалар. Дунё мамлакатларининг энг янги ютуқларини ташвиқот қилишда умумжаҳон кўргазмалари муҳим рол ўйнайди.

Улар систематик равишда ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади, 20 йил мобайнида умумжаҳон кўргазмаларининг қатнашчилар сони 6 дан 60 млн. гача ошди, майдони 10 та дан 3000 та гача, қатнашувчи мамлакатлар сони 32 та дан 80 та гача кўпайди.

Кўргазма залларини ҳажмий- фазовий ечими

Кўргазма бинолари композиция жиҳатидан икки турга бўлинади: марказлашган (қисмларга ажратилган) ва тарқоқ ҳолдаги. Бир бутун фазовий структурага эга бўлиб, бинони функционал жиҳатдан эркин ҳолда режалаштиришга, экспозицияларни яхлит ҳолда идрок қилишга имконият беради.

Тарқоқ ҳолдаги композиция айрим-айрим функционал блоклардан ташкил топади. Бу композиция кўргазмани бир қанча мавзулар бўйича бўлимларга ажратилган ҳолда ташкил этишга ёрдам беради.

3 илова

Адабиётлар рўйхати:

1. Ревякин. В.И. Музей. Выставки. Архитектура СССР. 1972 №7
2. Ревякин. В.И. Выставки. (архитектура и экспозиция) М. Стройиздат 1975г
3. Декоративное искусство СССР. 1967 №5, 1968 №1, 1972 №2,4,10, 1974 №1
4. Грамолин. И.В. Архитектура на выставке в Монрелле М. 1968
5. Рязанцев И. Искусство Советского выставочного ансамбля. М. 1976.г
6. Убайдуллаев Х. М., Инагамова М.М “Турар жой ва жамоат бинолари типологик асослари”. Тошкент 2009 й.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 2	Лойиҳалашга бўлган талаблар
----------------	------------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулот модели)


Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1. Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талаблар. 2. Кўргазма павильонларининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништириш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида лойиҳалашга бўлган талаблар ҳақида тушунча бериш, амалий ишнинг мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларини тушунтиради. • Кўргазма павильонларининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништиради.	• Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларини билиб оладилар. • Кўргазма павильонларининг хоналар юзаси ва тартибини ёзиб оладилар.
Таълим услублари	Амалий машғулот
Таълим воситалари	Кўргазма материаллари.
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳ билан ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки, лойиҳа чизмалари.

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
4–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Методик лойиҳа ишлари билан таништиради (1-илова)	Тинглайдилар.
5–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларни тушунтиради (2 илова) 2.2. Кўргазма павильонларининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништиради (3 илова)	Талабларни ёзиб оладилар. Хоналар юзаси ва тартибини ёзиб оладилар.
6–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Тинглайдилар. Мустақил иш вазифаларини ёзиб оладилар.

1 илова

Методик лойиҳавий ишлар.



Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талаблар.

Кўргазма павильонларининг структураси музей биносидаги сингари хоналардан ташкил топади, яъни томошабинларга хизмат қилувчи хоналар, кўргазма қўйиладиган хоналар, маъмурий хоналардан иборат.

Вестибюл гуруҳига қуйидагилар киради: гардероб, (баъзи ҳолларда экскурсия бюроси), ахборот маркази, ҳожатхоналар. Вестибюл яқинидаги дам олиш жойлари ва буфетлар (ресторан) жойлаштирилади.

Маданий-оқартув ишлари учун хизмат қилувчи биноларга кино ва ваъзхонлик зали, кўп ҳолларда алоҳида блокда мустақил кириб-чиқиш имконияти яратилиб лойиҳа қилинади.

Маъмурий хоналар гуруҳи қабулхона (директор хонаси, ҳамма билан ишловчи сектор, экскурсия раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари хоналари) йиғиқ ҳолда лойиҳаланади. Ёрдамчи хоналарга: ишлаб чиқариш устахоналари, суратхона, техник хизмат кўрсатиш пункти ва хизматчи ходимлар хоналари киради.

Доимий кўргазма павильонларини лойиҳалаш жараёнида кўргазма универсал ички фазони ярата олиш, экспозиция сони ва тартибини ўзгартириб туришга қулайлик туғдирадиган режани туза олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракат жадвали (графики) хоналарнинг бир-бирига боғлиқлигини белгилаб, экспонатларни мантиқий тузилган тартиб бўйлаб жадвалини ташкил этишнинг мақбул вариантларидан бири, бу - айланма йўналишни тармоқланган ҳаракат маршрутлари билан бойитишдир.

Кўргазма павильонининг хоналар юзаси ва тартиби **А. Кўргазмага келувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари**

№	Хоналар номи	Хоналар юзаси	Эслатма
1	Экспозиция зали	800	Залларнинг ўлчамлари экспозицияларнинг тури ва ҳажмига қараб олинади
2	Кириш қисми: гардероб ва эсталик молларини сотиш дўкончасини билан	60	
3	Буфет қўшимча хонаси билан	24	

4	Кинотеатр хонаси	40	
5	Кино кўрсатиш ва лентани қайта ўраш хонаси	12	
6	Хожатхона	12	
7	Информация хонаси	15	
		Хаммаси:	963

Б. Маъмурий хўжалик ва техник хизмат кўрсатиш хоналари.

№		15
1	Директор хонаси	15
2	Экскурция бюроси	12
3	Плакат-рассом хонаси	12
4	Ходимлар хонаси	20
5	Устахона	12
6	Лабаротория (фото)	12
7	Ходимлар учун гардероб душ ва хожатхона	12
8	Хўжалик молларини сақлаш хонаси	12
9	Экспонатларнинг сақлаш хонаси	80
10	Техник хоналар (кондиционерлик ускуналари ваэлектрон дастгоҳи ўрнатиш жойи)	60
	Хаммаси:	262
	Кўргазма зали бўйича	1225 м²

6. Лойиҳа тартиби

1.	Бош тарх	1:500
2.	Қаватлар тархи	1:100 ёки 1:200
3.	Тарзлар	1:50 ёки 1:100
4.	Қирқим.	1:100
5.	Макет ёки перспектива	

4 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Кўргазма павильонлар лойиҳалари бўйича материаллар тўплаш ва лойиҳавий таҳлил қилиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 3	Эскиз ғоя устида ишлаш
----------------	-------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Мавзу бўйича эскиз ғоя қилиш қоидалари. 2. График ишларини бажариш
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида эскиз ғоя устида ишлаш ҳақида тушунча бериш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Мавзу бўйича эскиз ғоя қилиш қоидаларини ўргатади. • График ишларни бажаришни тушунтиради.	• Эскиз ғоя қилиш қоидаларини билиб оладилар. • 3-4 та эскиз вариантлар устида ишлайдилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
7–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижалар ҳақида. (1илова)	Тинглайдилар.
8–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Мавзу бўйича эскиз ғоя қилиш қоидаларини ўргатади. (2 илова) 2.2.Архитектуравий графика ишларини бажаришни тушунтиради. (3 илова)	Тинглайдилар. Эскизларнинг 3-4 та вариантини чизиб кўрсатади.
9-босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Саволларга жавоб берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.

1-илова


1. Эскиз-ғоя

Талаба берилган мавзу бўйича объектнинг эскиз ғоясини ишлаб чиқишга киришади. Эскиз- ғоя фазаси, клаузурадан фарқли равишда ечимни излашнинг янги шаклини беради, мавзу ғоясини аниқлашга, дастурни субъектив талқин этишга ва унинг мумкин бўлган вариантларини излаб топишга имкон беради.

Эскиз ғоя одатда андозавий чизмаларда ифодаланади. Бу босқичда макетларни ясаш катта аҳамиятга эга. Чунки соддалаштирилган тажриба макетида ифодаланган фикрларни талаба осонлик билан мантикий таҳлил қила олади.

Эскиз- ғоя тайёр бўлгач раҳбар кўригидан ўтади. Эскиз ғоя таҳлили кейинги эскизлаштириш жараёнига замин яратувчи ғоявий йўналишни аниқлайди. Эскиз- ғояни қиммати шундаки, қандай давом этишни олдиндан айтиб бера олади, мавзунини индивидуал талқинда ёритиб беради ва келгуси изланишлар дастурини намоён этади.

2 илова



Нью-Йорк шаҳридаги Гугенхейм музейи. Архитектор А.Райт 1956-1959. Умумий кўриниши ер тўла, 1-кават ва 2-каватлар тарихи.

3 илова

Архитектуравий графика.

“Архитектуравий графика” тушунчаси XVIII аср охири XIX аср бошларида вужудга келган. Уни пайдо бўлиши академик архитектура мактаблари билан боғлиқ бўлиб, архитектор-талабаларини расмлари, чизмалари, эскизлари хайкалтарошлар, амалий санъат, рассом-талабалари график ишларидан фаркли “Архитектуравий графика” деб номлана бошлади.

Архитектура фаолиятининг кўп асрлар ривожланиш даврида архитектуравий

маълумотни кўрсатишда, чизиш усулида архитектуравий расм, чизма, эскиз бу вақт ичида кўп ўзгаришларга юз тутди. XXI асрга келиб компьютер графикаси кириб келди ва архитекторни асосий архитектуравий графика усулига айланди. Шу билан компьютер графикаси фламастер, рапетогоф, туш билан ювиш, гелили ручка билан чизиш ва бошқа усулларни сиқиб чиқарди.

Лекин бизни фикримизча мутахассислик маҳоратини ривожлантириш учун архитектор-талабаларни ўқитишни ҳар бир босқичида архитектуравий графика восита ва усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ёддан унутмаслик керакки, ҳар қандай архитектуравий графикадаги тасвир эстетик заҳи воситаси ва график маълумот шисобланади. Шунинг учун архитектура мактабида расм, чизма маданияти гўзаллигини синдирмоқ керак.

Графика- бу санъат, бунда чизик, нуқта, соя-ёруғлик, ранг ва тус асосий бадий восита хисобланади. Графика ўзининг вазифасига кўра ҳар хил былади-станокли, китоб, амалий ва архитектуравий. Архитектуравий графика лойихани яратиш ва расмийлаштириш учун тасвирий вазифаларга иловадир.

4 илова

Мустақил иш учун топшириқ

Кўргазма залларини архитектуравий ечимини график усулда бажаришни ўрганади

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 4	Архитектуравий графика ва ғоя усуллари
----------------	---

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Амалий машғулоти кузатиш ва талабаларга эскиз ғоя қилишни ўргатиш. 2. Архитектуравий графика амалий ишини бажариш учун перспективада уй танлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида Архитектуравий графика ва ғоя усуллари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Амалий машғулоти кузатади ва талабаларга эскиз ғоя қилишни ўргатади. • Архитектуравий графика амалий ишини бажариш учун перспективада уй танлашни айтади.	• Амалий машғулоти бажаради ва эскиз қилишни билиб оладилар. • Архитектуравий графика амалий ишини бажариш учун перспективада уй танлайдилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
10–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Эскиз ғоя қилиш ва архитектуравий графикада график, рангли усуллари кўрсатади. (1-илова)	Тинглайдилар.
11–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Амалий машғулоти кузатади ва талабаларга эскиз ғоя қилишни ўргатади. (2 илова) 2.2. Архитектуравий графика амалий ишини бажариш учун перспективада уй танлашни айтади. (3 илова)	Эскизни 3-4 вариантыни чизиб кўрсатади. Амалий ишини бажариш учун перспективада уй танлайдилар.
12–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Бажариладиган ишларни ўзаро муҳокама қиладилар. Топшириқни оладилар.

1 –илова


Нуқта, чизиқли ва рангли график ишларга мисоллар





2-илова

Эскиз варианты.



Япония, Нагоя шаҳридаги шаҳар микёсидаги замонавий санъат музейи.
Архитектор К.Курокова. Умумий кўриниши 1 ва 2 қават тархлари, интерьер
фрагменти.

Перспективада уй танлаш



Мустақил иш учун топширик

Архитектуравий лойиҳадаги эскиз тарҳида хоналарни жойлаштириш ва графика амалий ишида танланган перспективадаги уйни оққа қаламда чизиш

Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш


МАВЗУ 5	Кўргазма залларини лойиҳалаш асослари
----------------	--

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1. Эскиз ғоя қилишда кўргазма залларини лойиҳалаш асослари. 2. Лойиҳа ишининг бажариш учун 1 та эскиз вариантини танлаш.
3. Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида кўргазма залларини лойиҳалаш асослари ҳақида тушунча бериш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Эскиз ғоя қилишда кўргазма залларини лойиҳалаш асосларини ўргатади. • Лойиҳа ишининг бажариш учун 1 та эскиз вариантини танлашни тавсия қилади.	• Қоғозда қалам билан эскизларни чизади. • 1 та эскиз вариантини танлайдилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
13–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Лойиҳавий эскизни чизишда давом эттиришни кўрсатади. (1илова)	Тинглайдилар.
14–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Эскиз ғоя қилишда кўргазма залларини лойиҳалаш асосларини ўргатади. (2 илова) 2.2. Лойиҳа ишини бажариш учун 1 та эскиз вариантини танлашни тавсия қилади. (3 илова)	Тинглайди ва маълумотларни билиб олади. Эскиз варианты танланади.
15–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Тинглайди. Мавзу ва топшириқни ёзиб оладилар.



Франкфурте-на-Майнедаги музей. Архитектор Р.Майер.

Кўргазма залларини лойиҳалаш асослари

Кўргазма павильонлари структурасини асосан учта гуруҳ хоналар ташкил қилади. Булар: кўргазмага келувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари, экспозициялар зонаси, маъмурий ва хўжалик хоналари.

Кириш қисми (вестибюль гуруҳини) гардероб, экскурсия бюроси, эсталик моллари сотиш дўкончаси, информация маркази ва ҳожатхона ташкил қилади. Кириш қисми якунига дам олиш жойи ва буфет жойлаштирилади. Кинотеатр ва кино кўрсатиш хоналарига кириш вестибюль орқали боғланади. Маъмурий хоналар (директор, плакат, экскурсовод хонаси) ихчам лойиҳалаш ва албатта табиий ёритилиши керак. Хизмат кўрсатиш зонаси устахонаси, фотолаборатория, техник хоналари (кондиционер ускуналари жойлашадиган, электрик тумбаси) ва техник хизмат кўрсатиш ходимлари хоналарини ўз ичига олади. Экспонатларни қабул қилиш учун алоҳида махсус эшик билан таъминланиб ва у кўргазма залига боғланган бўлиши керак. Кўргазма павильони муҳити яхлит ёки бўлинган заллардан ташкил топган бўлиши мумкин. Уларнинг экспозицион майдончалари ҳар – хил баландликда жойлашиши мумкин. Универсал кўргазма заллари учун интеграль системадаги (табиий ва сунъий) ёриткичлар қўлланилади.

Павильоннинг баландлиги аниқ белгиланмаган, лекин экспозициянинг баландлигига қараб 4 – 5 метрдан 9 – 12 метр ёки ундан катта бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш хоналарига баландлиги 3,3м бўлган 6х6м лойиҳа модулини қўллаш мумкин. Кириш қисмини баландлиги 4,2м.

Кўргазма павильонининг конструктив ечими йиғма қурилиш элементларидан ва фазовий қурилмалардан қай даражада фойдаланганлигига боғлиқ. Устунлар оралиғи 6х6м, 9х9м, 12х12м, 18х18м ва 24х24м бўлиши мумкин. Кўргазма зали кенг муҳитли бўлган ҳолларда қуйидаги фазовий қурилмаларни ишлатиш мумкин: кесма – стерженли, свод – оболочкали, (қиррали, сеткали), осма ёпилмалар (гиперболоит - параболоид)


2 - илова

Лойиҳа ишини бажариш учун эскиз вариантыни танлаш.

3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Танланган лойиҳа вариантыни ишлашни давом эттириш



Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 6	Лойиҳавий технологияларни ўрганиш.
----------------	---


Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1.Архитектуравий лойиҳалаш амалий ишидада эскиз ғояда бино тарзини шакллантириш. 2. Архитектуравий графика амалий ишида ландшафтни тасвирлашни тушунтиради.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида лойиҳавий технологиялар ҳақида тушунча бериш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектуравий лойиҳалашда эскиз ғояда бино тарзини шакллантиришда кўмак беради Архитектуравий графика амалий ишида ландшафтни тасвирлашни тушунтиради.	Архитектуравий лойиҳалашда эскиз ғояда бино тарзини шакллантириб, чизадилар. Архитектуравий графика амалий ишида ландшафтни тасвирлашни тушуниб олади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш


Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
16–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	2.1. Кўргазма биноларининг технологик боғлиқлик схемасини кўрсатади. (1-илова)	Тинглайдилар.
17–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1.Архитектуравий лойиҳалашда эскиз ғояда бино тарзини шакллантиришда кўмак беради. (2 -илова) 2.2 Архитектуравий графика амалий ишида ландшафтни тасвирлашни тушунтиради. (3-илова).	Чизадилар Графика амалий ишида ландшафтни тасвирлашни билиб оладилар
18-босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради (4 илова)	Саволларга жавоб берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.

Музей бинолари мажмуаси жойлашишининг технологик боғлиқлик схемаси



Бино тарзини шакллантириш



Ландшафтни тасвирлаш

Бино проекциясини чизмаларини кейинчалик дарахтлар, транспорт воситалари ва одам тасвирлари тўлдирга бошлади. Бу эса архитектуравий объектнинг атрофидаги табиий муҳитни чинакамлигини тасвирлашга ёрдам беради. XVIII аср ўрталарида архитектура терминига (атамасига) **антураж** ибораси кириб келди. “Антураж” французчадан таржима қилинганда “ўраб турган” ёки “шароит” деган маънони бериб, илгари ранг тасвир ёки график қисимларни композиция - ландшафт тасвири деб аталган.

Ландшафтни тасвирлаш архитектуравий бинони масштабини, уни перспектив юзасини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.


Дарахтларни тасвирлашни жуда кўп услублари бўлиб, булар:

- 1) Нуқтали услуб (бунда иложи бориша уни хажмини соя ва ёруғлик асосида кўрсатилади.
- 2) Чар томонга жойлашган тўғри қиска чизиқлар ёрдамида дарахт шохларини, барглари имитация қилиб бериш .
- 3) Барглари майда расмлар билан (бунда ҳам дарахт хажмини кўрсатиш лозим бўлади.).

4) Расм тўғри ёки вертикал, горизонтал штрихлар билан ҳамда дарахт барги, шохи, новдаларини чизиқлар чизиб дарахт танаси билан бирлаштирилади.

5) Дарахт устидаги шох-баргсиз, фақат дарахтни тана қисми ёки новда, бутоклар ёрдамида кўрсатилади. (Расм 1,2)





Расм 1



Расм 2

4 илова

Мустақил иш учун топширик

Берилган клаузурани давом эттириш ва эскиз ғояда бино тарзини тугатиш

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 7	Кўргазма бинолари хоналарини технологик боғлиқлик схемалари
----------------	--

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)


Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Эскиздаги 1 ва 2- қават тархларини шакллантиришда керакли тавсияларни бериш. 2. Бино қирқими эскизини чизиш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида кўргазма бинолари хоналарининг технологик боғлиқлик схемасини ҳақида тушунча бериш ва амалий ишнинг мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Эскиздаги 1 ва 2- қават тархларини шакллантиришда керакли тавсияларни беради. • Бино қирқими эскизини чизиш. айтади.	• Эскиздаги 1 ва 2- қават тархларини шакллантири чизади. • Бино қирқими эскизини чизади.
Таълим услублари	Маъруза матни
Таълим воситалари	Ахборотли маъруза
Таълим шакллари	Жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки савол жавоб

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
19–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	2.1. Кўргазма биноларининг технологик боғлиқлик схемасини кўрсатади. (1-илова) .	Тинглайдилар.
20–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Эскиздаги 1 ва 2 қават тархларини шакллантиришда керакли тавсияларни беради. (2 илова) 2.2 Бино қирқими эскизини чизиш. (3 илова)	Эскиздаги камчиликларни бартараф этиб тўлдиради. Чизади.
21–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради . (4 илова)	Тинглайдилар Топшириқ оладилар.

Бошқарув ва қушимча хоналар технологик боғлиқлик схемаси


В





1. Дирекция
2. Вестибюль
3. Кутубхона
4. Тугарак хоналари
5. Илмий ишлар хонаси

Томоша хоналари мажмуасининг боғлиқлик схемаси

А



Қирқимни чизиш.



Мустақил иш учун топшириқ

Кўргазма биноларининг технологик схемаларини ўрганиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 8	Тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш
----------------	---

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Кўргазма заллари лойиҳалаш курс иши бўйича клаузуранинг камчиликлари устида ишлашни айтади. 2. Архитектуравий графика ишида қурилиш ашёларини тасвирлаш ҳақида тушунча.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида тасдиқланган эскизни клаузурага тайёрлаш ҳақида тушунча.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Кўргазма заллари лойиҳалаш курс иши бўйича клаузуранинг камчиликлари устида ишлашни айтади. • Архитектуравий графика ишида қурилиш ашёларини тасвирлаш ҳақида тушунча беради.	• Кўргазма заллари лойиҳалаш курс иши бўйича клаузуранинг камчиликлари устида иш олиб борадилар. • Архитектуравий графика ишида қурилиш ашёларини амалда тасвирлашни ўрганади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотидаги технологик картаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
22–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Эскизни клаузурага тайёрлаш. (1 илова)	Тинглайдилар.
23–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Кўргазма заллари лойиҳалаш курс иши бўйича клаузуранинг камчиликлари устида ишлашни айтади. (2 -иловалар) 2.2. Архитектуравий графика ишида қурилиш ашёларини тасвирлаш ҳақида тушунча беради. (3-илова)	Саволлар беради, жавоб олади. Топшириқни амалда бажариб кўмак олади.
24–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Вазифани топширадилар Топшириқларни ёзиб олади.

1-илова


Клаузура

Талабанинг ижодий изланиши клаузурани бажариш жараёнида бошланади. Клаузурада талаба ўзлаштирган дастлабки маълумотларни ўзига хос равишда ифодалайди. Талаба олдинги тажрибаси орқали “Яхлит” структураларни идрок қилишга ҳамда объект ҳақидаги тасаввурни яхлит тасвирий образ кўринишида ифодалашга қодир.


Клаузура мунтазам машқлар усулига айланганда, унинг таълим- тарбиявий аҳамияти янада кучаяди. Образли вариантлар ишлаб чиқаришда композицион қобилиятларни, тасаввурни ва топқирликни ривожлантиради; талабани тезкор реакцияга, диққатни жамлашга ўргатади; диққат эътиборни янада кучайтиришга, фикр ва хотирани шиддат билан ишлашга мажбур қилади.

2 илова

Клаузурани тугатиш



Курилиш ашёларини графикада тасвирлаш



Мустақил иш учун топшириқ

Хоналарнинг ўзаро боғланишини ва қурилиш материалларини графикада ишлашни ўрганиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 9	Клаузурани муҳокама қилиш
----------------	----------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Ҳар бир талаба клаузурасидаги камчиликларни айтиб ўтиш ва амалий ишнинг келгусидаги ривож учун тавсия.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида клаузурани муҳокама қилиш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Ҳар бир талаба клаузурасидаги камчиликлар айтиб ўтади ва амалий ишнинг келгусидаги ривож учун тавсия беради.	• Ҳар бир талаба клаузурасидаги камчиликларни бартараф этади ва амалий ишнинг келгусидаги ривож учун тавсиялар олади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик картаси.


Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
25–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1.Клаузурани муҳокама қилиш. (1 илова).	Тинглайдилар.
26–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Ҳар бир талаба клаузурасидаги камчиликлар айтиб ўтилади ва амалий ишнинг келгусидаги ривож учун тавсиялар берилади. (2-илова)	Вазифани чизишда давом этади.
27-босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради . (3 илова)	Саволларга жавоб берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.

1 илова

Клаузурани муҳокама қилиш.

Бажарилган клазура ишини талабалар билан муҳокама қилиниб, амалий ишдаги бинонинг тарзи, тархлари ва қирқимларидаги камчиликлар устида ишлаш ҳақида айтилади. Ушбу камчиликларни бартараф қилиниб, лойиҳа ишини оқ қоғоз тортилган планшетга (75x55 см) чизиш тавсия этилади.

2 илова



3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.
Клазурадаги камчиликлар устида ишлаш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 10	Бино тархи устида изланиш
-----------------	----------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)


Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Ҳар бир талаба лойиҳа ишининг тархӣ қисмини ечишда кўмак беради ва камчиликларни таҳлил қилиш. 2. Архитектуравий графика амалий ишида бинодаги сояларни график усулда ишлаш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида бинонинг тархи устида изланиш ҳақида тушунча бериш ва амалий ишнинг мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Ҳар бир талаба лойиҳа ишининг тархӣ қисмини ечишда кўмак беради ва камчиликларни таҳлил қилади. • Архитектуравий графика амалий ишида бинодаги сояларни график усулда ишлаш тушунтиради.	• Ҳар бир талаба лойиҳа ишининг тархӣ қисмини ечади ва камчиликларни таҳлил қилади. • Архитектуравий графика амалий ишида бинодаги сояларни график усулда ишлашни ўрганади.
Таълим услублари	
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
25–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1.Кургазма залларини лойиҳалашда бош тархи ечимини кўрсатиш. (1 илова).	Тинглайдилар.
26–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Ҳар бир талаба лойиҳа ишининг тархий қисмини ечишда кўмак беради ва камчиликларни таҳлил қилади. (2-илова) 2.2.Архитектуравий графика амалий ишида бинодаги сояларни график усулда ишлаш тушунтиради. (3 илова)	Бинонинг конструктив ечими устида ишлайди ва график чизмаларни чизади.
27-босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради (4 илова)	Саволларга жавоб берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.


1 илова

Бинонинг бош тархи



2 илова

Тархий қисмини ечиш.



3 илова

Сояларни график усулда ишлаш.

Перспективани тасвирлаш анча қийин графика бўлиб, бунда у ёки бошқа соя-ёруғлик техникасини билиш ва бажариш зарур. Уларни тўғри қўллаш перспективликни беради.

Энг оддий усул - бу ёруғлик-сояни қора туш билан бўяш услуби. Бунда бинонинг гишт элементларини горизонтал чизиқлар билан штрихлаш, ойнада соя бўмаган ҳолда штрихлаш керак эмас.


Штрхлаш усул - бу тусли шкаласини олиш учун тартибсиз нуқталарни хар хил зичликда штрихлаб, яъни бинони энг яқин бурчагидан оч кулранг тус бериб, бино бўлаклари узоқлашган сари, оч-тўқга кўра туш билан бўяш. Бу техник усул бинони соя тушган жойлардаги оддий қисмларни аниқлашга ёрдам беради, ҳамда дераза орқали кўринаётган деталларни ва бинодан тушаётган шулаларни ҳам тасвирлашга ёрдам беради. Шу усул билан ойналардаги осмонни ёки биноларни аксини ҳам тасвирлаб бериш мумкин бўлади.

Соя – ёруғликни қуриш ва ойнада акс этиш услуби, штрихлаш йўли билан қурилган вертикал ва перспектив чизиқларни бирга қўшиш, окдан то қорагача туслар (ранг) градациясини тўлиқ шкаларарини олиш имкониятини беради, буни чизиқлар орасидаги масофани ўзгартириш йўли билан эришилади. (перони қалинлиги 0,1 мм).

Ундан таш=ари соя ва ним сояни хамда ойналардаги аксларни чизиқли ва нуқтали штрихлар билан бажариш мумкин.

Бинони перспективали тасвирлаш вазифасини бажараётганда ён-атроф мухитини ва бино олди қисмидаги (тархдаги) антуражни тасвирлаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ушбу бинони мухитда перспективлигини беради. (Расм 1)

Расм 1



3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Лойиҳа ишининг тархий қисмини ечиш.

Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 11	Конструктив ечим устида ишлаш
-----------------	--------------------------------------

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)


Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	2.1. Хар бир талаба билан ўз лойиҳасига қараб конструкция қисмини ечишда кўмак бериш. 2.2. Бинонинг қирқимини ечишда хар бир талаба билан таҳлил қилиш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида Конструктив ечим устида ишлаш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Хар бир талаба лойиҳа ишининг конструкция қисмини ечишда кўмак беради. • Бинонинг қирқимини ечишда хар бир талаба билан таҳлил қилади.	• Хар бир талаба лойиҳа ишининг конструкция қисмини ечимини топади. • Бинонинг қирқимини ечимини таҳлил қилади ва чизади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулоти нинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
25–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1.Кургазма залларини лойиҳалашда ёпилма турларини кўрсатади. (1илова).	Тинглайдилар.
26–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Хар бир талаба лойиҳа ишининг конструкция қисмини ечишда кўмак беради. (2-илова) 2.2. Бинонинг қирқимини ечишда хар бир талаба билан таҳлил қилади. (3 илова)	Бинонинг конструктив ечими устида ишлайди ва график чизмаларни чизади.
27–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради (4 илова)	Саволларга жавоб берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.

1-илова

.Кургазма залларини лойиҳалашда ёпилма турлари



Гумбазлар. а-геометрик шакллар; сфера шаклли, коноидли, параболикли, эллиптикли; б-қурилма шакллари: силлик сферасимон, ўткир киррали, тўрсимон ковуғғали, халқали кавурға, тўлқинли.

2 илова

Конструктив системалар



3 илова

Бинонинг қирқимини ечиш.



3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Лойиҳадаги конструктив системани ўрганиш

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 12	Композицион тарз устида ишлаш
-----------------	--------------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Бинонинг фасад қисмини шакллантириш учун вариантлар устида ишлаш. 2. Архитектуравий графика ишини чизишни давом эттириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида Композицион тарз устида ишлаш ҳақида тушунча бериш ва амалий ишнинг мақсади ва вазифаси билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Бинонинг фасад қисмини шакллантириш учун 5-6 та вариант чизишни тушунтиради. • 3. Архитектуравий графика ишини чизишда кўмак беради.	• Бино фасади бўйича калькада 5-6 та вариант чизади. Архитектуравий графика иши бўйича перспективадаги уйни чизишни давом эттиради.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
28–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Кўргазма павильонларининг композицион структураси тушунтиради. (1 илова)	Тинглайдилар.
29–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Бинонинг фасад қисмини шакллантириш учун 5-6 та вариант чизишни тушунтиради. (2 илова) 2.2. Архитектуравий графика ишини чизишда кўмак беради. (3-илова)	Бино фасади бўйича 5-6 та вариант чизади (калька билан ишлаш). Чизади.
30–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4-илова)	Саволларга жавоб беради. Топшириқларни ёзиб олади.

1 илова

Кўргазма залларининг композицион структураси

Кўргазма павильонлари биноларини композицион ечими марказлашган ва ёйли, яъни блокли бўлади. Марказлашган композицион ечим тархининг ихчам бўлиши билан ажралиб туради ва шу билан бирга функционал жиҳатдан муҳитдан универсал фойдаланишга имконият беради. Марказлашган павильонларнинг яхлит ички муҳитга эга бўлган бир қаватли, марказлашган ядро – муҳит ва уни атрофларни ўраб турадиган галерея ва экспозицион босқичларини эркин жойлаштирадиган хиллари бўлиши мумкин.

Ёйиқ композицияга павильонларнинг блокли усулида алоҳида жойлашуви киради. Функционал блокларнинг бўлишига асосий сабаб, кўргазма бўлимларини ҳар хил тематик тарзда ташкил этиш.

Павильонларнинг ажралиб туриши даражасига қараб улар 2 та усулга бўлинади: блокларни ихчам жойлаштираш ва эркин жойлаштираш.

2 илова


Кўргазма павильонларининг композицион ечимларига мисоллар



Структурали конструкция орқали яхлит композицион муҳитни шакллантириш

3- илова

Архитектуравий графика ишини чизишни давом эттириш



4- илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Танланган композицион ечимни тарзда чизиш

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 13	Лойиҳани оққа қаламда графикада чизиш
-----------------	--

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Лойиҳани оққа кўчиришда бино тархи, тарзи ва қирқимларини компоновка қилиб чизишни тушунтириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида лойиҳани оққа қаламда чизишни таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Лойиҳани оққа кўчиришда бино тархи, тарзи ва қирқимларини компоновка қилиб чизишни тушунтиради.	Лойиҳани оққа кўчиришда бино тархи, тарзи ва қирқимларини компоновка қилиб чизади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
34–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1.Архитектуравий лойиҳа курс ишини оққа кўчиришни тушунтириш. (1 илова)	Тинглайдилар.
35–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1 Лойиҳани оққа кўчиришда бино тархи, тарзи ва қирқимларини компоновка қилиб, чизиш. (1 илова)	Бинонинг чизмаларини қоғоз тортилган доскага компоновка қиладилар ва яқуний хулосага келадилар. Перспективадаги уйни график безашда давом этадилар.
36–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (3 илова)	Бажарилган ишларни ўзаро мунозара қиладилар. Саволлар берадилар. Топшириқларни ёзиб олади.

1 илова

Лойиҳани оққа кўчириш.

Лойиҳани планшетга компоновка қилишда лойиҳанинг тарзи асосийси ҳисобланади. Шунинг учун тарзни планшетнинг юқори қисмига жойлаштириш керак. Планшетнинг пастки қисмларига лойиҳанинг тархи, қирқими, бош плани жойлаштирилади. Агарда, лойиҳанинг ҳажми ва ундаги масштаблар берилган норма асосида бўлган ҳолда лойиҳа қисмларини иккита планшетга компоновка қилинади.



Мустақил иш учун топшириқ

Лойиҳани қаламда оққа кўчиришни бажариш.

Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 14	Лойиҳани график усулида қаламда оққа чизишни тугатиш
-----------------	---


Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1. Архитектуравий лойиҳалаш амалий ишида лойиҳани қаламда чизишни давом эттириш ва тугатиш. 2. Архитектуравий графика амалий иши бўйича консультация бериш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида лойиҳани график усулда қаламда оққа чизиш ҳақида тушунча бериш, амалий ишнинг мақсади ва вазифаси билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектуравий лойиҳалаш амалий ишида лойиҳани қаламда чизишни давом эттиришни тушунтиради.	Архитектуравий лойиҳалаш амалий ишида лойиҳани қаламда чизишни давом эттирадилар.
Архитектуравий графика амалий иши бўйича консультация беради.	Архитектуравий графика амалий иши бўйича консультация оладилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
40–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. График усулидаги лойиҳани оққа кўчириш биринчи ва иккинчи планларни кўрсатади. (1 илова)	Тинглайдилар.
41–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Архитектуравий лойиҳалаш амалий ишида лойиҳани қаламда чизишни давом эттириш ва тугатиш. (2 илова) 2.2. Архитектуравий графика амалий иши бўйича консультация беради. (2 илова)	Топшириқни амалда бажаришга киришади (75x55 доскага чизилади).
42–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (3 илова)	Бажарилган ишларни ўзаро муҳокама қиладилар. Топшириқларни ёзиб олади.

Лойиҳани графикада ишлашда биринчи ва иккинчи планни кўрсатиш.



Лойиҳани тарзини
қаламда график усулда
бажаришда унинг
элементларига эътибор
бериш.


илова

**Мустақил иш учун
топшириқ**

Тарзни график усулда
тугатиш.



Мавзу бўйича архитектуравий графикадан амалий иш бажариш.



Мустақил иш учун топшириқ

Тарзни график усулда тугатиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 15	Лойиҳани графикада бажариш
-----------------	-----------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Лойиҳа ишини бажаришда бино қирқими ва тархларини график безашни тушунтириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида лойиҳани графикада бажариш ҳақида тушунча бериш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Лойиҳа ишини бажаришда бино қирқими ва тархларини график безашни тушунтиради.	Лойиҳа ишини бажаришда бино қирқими ва тархларини график безашни амалда бажарадилар..
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
43–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Лойиҳа ишини графикада бажариш усуллари ва қоидаларини тушунтириш. (1 илова).	Тинглайдилар.
44–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Лойиҳа ишини бажаришда бино қирқими ва тархларини график безашни тушунтиради. (2 илова)	Вазифани амалда чизадилар.
45–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (3 илова)	Бажарилган ишлар ҳақида ўзаро муҳокама қиладилар. Топшириқларни ёзиб олади.

1 илова

Лойиҳани графикда безаш

Архитектуравий лойиҳалаш курс ишида амалий ишни график безашда бинонинг биринчи ва иккинчи қават тархлари ҳамда қирқими оқ-қора графикада тушда қоралаб чиқилади. Бино тарзи,перспективасида рангли графика ишлатилгандан сўнг керак бўлган жойларини қора тушда чизиб чиқилади.

2 илова

Бино қирқимини график безаш



3-илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Лойиҳани тархий ечимини графикада чизиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 16	Лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш
-----------------	---

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1.Лойиҳа ишини рангли графикада бажариш. 2.Архитектуравий графика амалий ишини чизикли, нуқтали безашнинг охириги босқичи тушунтириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида лойиҳа ишини рангли график усулида бажариш ҳақида тушунча бериш амалий ишнинг мақсади ва вазифаси билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Лойиҳа ишини рангли графикада бажаришни тушунтиради. Архитектуравий графика амалий ишини чизикли, нуқтали безашнинг охириги босқичи тушунтиради.	Лойиҳа ишини рангли графикада бажаради. Архитектуравий графика амалий ишини чизикли, нуқтали безайдилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
46–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Архитектуравий графика амалий ишида дарахтларни график чизишни кўрсатади. (1 илова)	Тинглайдилар.
47–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Лойиха ишини рангли графикада бажариш. (2 илова) 2.2. Архитектуравий графика амалий ишини чизиқли, нуқтали безашнинг охирги босқичи тушунтирилади. (3 илова).	Топшириқни амалда бажарадилар. Раҳбардан керакли тавсияларни оладилар.
48–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Топшириқларни ёзиб олади.

1 илова

Дарахтларни график чизиш.



Лойиҳа ишини рангли графикада безаш




График амалий ишининг охирги босқичи



Мустақил иш учун топшириқ.

Лойиҳа ишини акварел график усулида бажариш

Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 17	Лойиҳани акварел графикада бўяш
-----------------	--

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1.Лойиҳадаги бино перпективасини акварелда бўяшни бажаришни тушунтириш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курсида лойиҳани акварел графикада бўяш ҳақида тушунча бериш, амалий ишнинг мақсади ва вазифаси билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Лойиҳадаги бино перпективасини акварелда бўяшни бажаришни тушунтиради.	Лойиҳадаги бино перпективасини акварелда бўяшни бажарадилар.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунинг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
49–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Лойиҳани график безашда акварелда бўяшни тушунтиради. (1 илова)	Тинглайдилар.
50–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Лойиҳадаги бино перспективасини акварелда бўяшни бажариш. (2 илова)	Топшириқни амалда бажаришга киришади.
51–босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (3 илова)	Бажарилган ишлар ҳақида ўзаро муҳокама қиладилар. Савол берадилар Топшириқларни ёзиб олади.


1 илова

**Лойиҳанинг перспектив кўринишини
график усулда бўяш**



2 илова

**Лойиҳанинг перспективасини
акварелда бўяш**



Лойиҳани перспективасини акварель, график усулида бўяшда босқичма – босқич амалга ошириш керак.



3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Лойиҳани перспектив кўринишини графикада тугатиш.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 18	Лойиҳа ишини график безашни тугатиш
-----------------	--


Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1.Архитектурaviй графика амалий ишини тугатишни тушунтириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида лойиҳа ишини график безашни тугатиш ҳақида тушунча бериш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Архитектурaviй графика амалий ишини тугатишни тушунтиради.	Архитектурaviй графика амалий ишини тугатади.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш.	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулоти нинг технологик харитаси.

Иш мазмунинг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
52–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Лойиҳалаш амалий машғулоти нинг график безашни кўрсатиш. (1 илова)	Тинглайдилар.
53–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Архитектуравий графика амалий ишини тугатишни тушунтиради. (2 илова)	Топшириқни амалда бажарадилар.
54–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (3 илова)	Архитектуравий графика ишини топширадилар. Савол берадилар. Топшириқларни оладилар.

1 илова



3 илова

Мустақил иш учун топшириқ.

Мавзу бўйича бажарилаётган лойиҳадаги антуражни бажариш.

Ўқув машғулотларидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 19	Лойиҳани график безашни якунлаш ва баҳолаш
-----------------	---

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулот модели)


Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулот шакли	Амалий иш
Амалий машғулот режаси:	1. Лойиҳани графикада тугатиб, лойиҳа ишларини комиссия кўригига қўйишни тушунтириш.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга амалий машғулот курси лойиҳани график безашни якунлаш ва баҳолаш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Лойиҳани графикада тугатиб, лойиҳа ишларини комиссия кўригига қўйишни тушунтиради.	• Лойиҳани графикада тугатиб, лойиҳа ишларини комиссия кўригига қўяди.
Таълим услублари	Сўров
Таълим воситалари	Консультация асосида тушунтириш
Таълим шакллари	Фронтал жамоада ишлаш
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳлар билан ишлашга мослашган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Эскиз асосида баҳолаш

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунинг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
55–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Лойиҳани баҳолашга тайёрлаш.	Тинглайдилар.
56–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Лойиҳани графикада тугатиб, лойиҳа ишларини комиссия кўригига қўйишни тушунтиради. (1 илова)	Архитектуравий лойиҳа курс ишини топширадилар.
57-босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2.Топшириқни баҳолайди.	Баҳоланган ишни ўзаро муҳокама қиладилар.

1 илова

Лойиҳани тугатиб топшириш



Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 20	“Кам қаватли турар жой уйлари”ни лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари
-----------------	---

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Маъруза режаси:	1. Ўзбекистонда кам қаватли турар жой уйлари лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечими.
Ўқув машғулотнинг мақсади: Талабаларга ўқув курсида кам қаватли турар жой уйлари лойиҳалашни ўзига хос томонлари бўйича тушунча бериш, мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
Ўзбекистонда кам қаватли турар жой уйлари лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечимини тушунтиради.	Ўзбекистонда кам қаватли турар жой уйлари лойиҳалашнинг ўзига хос томонларини ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечими ҳақида тушунча оладилар .
Таълим услублари	Амалий машғулоти
Таълим воситалари	Кўргазма материаллари,
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳ билан ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки, лойиҳа чизмалари.

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1–босқич. Тайёргарлик (40 мин)	1.1. Ўқув курси бўйича баҳолаш мезонлари билан таништилади. (1-илова)	Тинглайдилар.
2–босқич Асосий қисм (100 мин)	2.1. Ўзбекистонда кам қаватли турар жой уйларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари ва бинонинг ҳажмий-фазовий ечимини тушунтиради. (2-илова)	Топширикни амалда бажаришга киришади. Бажаради ва кўмак олади.
3.-босқич. Дарс жараёнига яқун ясаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Керакли адабиётлар билан таништирилади. (3-илова)	Бажарилган ишларни ўзаро муҳокама қиладилар. Саволлар берадилар. Топширикни оладилар.

Илова 1

“Архитектура лойиҳалаш ва графика” фанидан назорат туралари ва уни амалга ошириш тартиби.

2010 йил 15 августдаги 333- сонли буйруғига асосан 100 баллик назорат турларига қуйидагича тасдиқланади:

Фан бўйича жорий назорат суҳбат, уй вазифаси, ёзма мавзулардан билим, кўникма аниқланади.

Жорий назорат – 35 балл.

Жорий назорат фанинг семестр давомида, бир неча мавзуларни ўз ичига олган билим ва кўникма даражаси бўлиб, семестрда бажарилган 1 - курс лойиҳаси ва график ишларни натижасига кўра белгиланади.

Оралик назорат – 35 балл.

Оралиқ назорат фанинг семестр давомида, бир неча мавзуларни ўз ичига олган билим ва кўникма даражаси бўлиб, семестрда бажарилган 2 - курс лойиҳаси ва график ишларни натижасига кўра белгиланади.

Якуний назорат – 30 балл.

Якуний назорат – курс лойиҳасини ҳимоясига, мустақил таълим давридаги бажарилган ижодий ишлар, қўшимча график ишларга асосланган ўтказилади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидаги мезонлар асосида қабул қилинади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларни амалда қўллай олиш;
- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларни амалда қўллай олиш;
- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:

- моҳиятни тушуниш;
- график усулда чиза олиш;
- тасаввурга эга бўлиш.

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:

- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;
- график усулда чиза олмаслик.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{Q \cdot V}{100}$$

Ўзбекистонда кам қаватли турар жой уйларини лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган пункларидаги реал шароитлар учун 1 – 2 қаватли хусусий яшаш уйлари типдаги коттеджларни лойиҳалашда зарур бўладиган амалий савияларнинг талабалар томонидан эгалланиши лойиҳанинг бош масаласи деб ҳисобланади.

Режали иқтисоддан бозор иқтисодига аста – секин ўтиш моддий бойликларни, заҳиралар (ресурслар)ни ва воситаларни қайта тақсимлашга олиб бормоқда ва ижтимоий аренада хусусий тадбиркорлар – мустақил равишда тасодиф ва хавф – хатарга қўл урадиган, ишлаб чиқаришнинг янги турларини ташкил этадиган – яратадиган бизнесменлар (тадбиркорлар), ўртада турувчи савдо фирмалари, кам қувватли ва аҳолига кенг ассортиментда хизмат кўрсатадиган ўқув ва маданият марказларини вужудга келтирмоқда. Шу билан бир қаторда жамиятда энг такомиллашган технологиялар асосида ижтимоий муносабатларнинг янги турлари (кўринишлари)ни яратмоқда.

Ўрта синфли деб ном олган одамлар ва уларнинг оилалари пайдо бўлаяпти, улар ўзларининг ижодий – ишлаб чиқариш ва тижорат соҳасидаги фаолияти эвазига юқори даромадга эришмоқдалар, улар турмушнинг янги менталитетини яратмоқдалар, бу менталитет таркибига нарса ва буюмлар оламининг бутун – бир комплекси, биринчи навбатда соф оилали яшаш уйи сифатида ва “яшаш уйи + хусусий ишлаб чиқариш” органик комплекси сифатидаги хусусий уй – жойларнинг янги типлари киради.

Кам қаватли турар жой уйларини хажмий - фазовий ечими

Талаба илмий раҳбари билан бирга Тошкент шаҳридаги реал ер участкасини (ёки Ўзбекистон Республикасидаги исталган шаҳарда) М 1:500 масштабдаги топотасвирли майдони 0,6га дан ортиқ бўлган ер участкасини танлайди (вариантлар: 20х30м, 15х40м, 12х50м, қисқа томони кўча тарафга тегишли). Участка қатъий функционал ва технологик жиҳатдан ишга яроқли ташқари қисм ва оилага мосланган ичкари қисмга бўлинган бўлиш лозим. Умумий участканинг ҳар бир қисми машина ва одамларнинг киришини, ёпик гаражнинг бўлишини ва машина учун очик жой қолдирилишини, сув билан таъминланганли, кўкаламзорлаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда қулай режаланган (тархланган) бўлмоғи лозим. Мумкин қадар очик типдаги 3х6м ўлчамли сув ҳавзаси (бассейн)ни, кичик архитектуравий шакллар: узун курси (скамейка)лар, супа, пергола, гулзор ва шунга ўхшашларни режага киритиш тақозо этилади. Участка бўйича техник – иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади ва стандарт талаблар бўйича участка ҳудуди мувозанати (баланси) аниқланади (яъни қурилиш майдони, каттиқ қопламали йўлаклар ва

майдончалар, яшил майдон юзалари м² (га) ва улар юзаларининг умумий майдон юзасига нисбатан фоизи ҳисобланади). Йирик шаҳарларда ер участкасининг танқислигини ҳсиобга олган ҳолда икки – беш участкани блокировка қилиш (умумлаштириш) тавсия этилади.

3 илова

Адабиётлар рўйхати:

1. Убайдуллаев Х. М., Инагамова М.М “Турар жой ва жамоат бинолари типологик асослари”. Тошкент 2009 й.
2. Милажевская Е.К. и др. “Клубы” Москва 1990 г.
3. Бархин Г.Б. «Архитектура театр» Москва -1997 г.
4. Зимул С.Г., Маханько Б.А. «Архитектурное типология зданий и сооружений» Москва -2001 г.
5. Методические материалы к государственной общенациональной программе развития школьного образования на 2004-2009 года. Ташкент – 2004 г.
6. Маракаев Р.Ю., Юсупов Р.Д., Убайдуллаев Х.М., Шайданова Л.Р. “Пространственные конструкции покрытий зданий и сооружений” (учебное пособие) Ташкент - 2006 г.

Ўқув машғулотидаги таълим технологиясининг лойиҳалаштириш

МАВЗУ 21	Лойиҳалашга бўлган талаблар
-----------------	------------------------------------

Амалий машғулоти олиб бориш технологияси (машғулоти модели)

Ўқув соати – 4-соат	Талабалар сони: 30 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий иш
Амалий машғулоти режаси:	1. Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талаблар. 2. Кам қаватли турар жой уйлариининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништириш.
Ўқув машғулоти мақсади: Талабаларга амалий машғулоти курсида лойиҳалашга бўлган талаблар ҳақида тушунча бериш, амалий ишнинг мақсади ва вазифалари билан таништириш.	
Педагогнинг вазифалари:	Ўқув фаолияти натижалари:
• Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларини тушунтиради. • Кам қаватли турар жой уйлариининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништиради.	• Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларини билиб оладилар. • Кам қаватли турар жой уйлариининг хоналар юзаси ва тартибини ёзиб оладилар.
Таълим услублари	Амалий машғулоти
Таълим воситалари	Кўргазма материаллари.
Таълим шакллари	Фронтал, жамоавий
Таълим шарт - шароитлари	Гуруҳ билан ишлашга мослаштирилган аудиториялар
Мониторинг ва баҳолаш.	Оғзаки, лойиҳа чизмалари.

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Иш мазмунининг босқичлари.	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
4–босқич. Тайёргарлик (20 мин)	1.1. Методик лойиҳа ишлари билан таништиради (1-илова)	Тинглайдилар.
5–босқич Асосий қисм (120 мин)	2.1. Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талабларни тушунтиради (2 илова) 2.2. Кам қаватли турар жой уйларининг хоналар юзаси ва тартиби билан таништиради (3 илова)	Талабларни ёзиб оладилар. Хоналар юзаси ва тартибини ёзиб оладилар.
6–босқич. Дарс жараёнига яқун яшаш (20 мин)	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради. (4 илова)	Тинглайдилар. Мустақил иш вазифаларини ёзиб оладилар.

1 илова

Методик лойиҳавий ишлар.



Бинонинг бош тархига, ҳажмий – режавий ечимларига хос талаблар.

Уй – квартиралар фақат оилавий жойлашиш учун яшаш майдони 12м^2 /киши бўлган меъёردа қабул қилинади. Уй – квартираларнинг типлари яшаш хоналари сони ва яшаш ҳамда ёрдамчи хоналарнинг умумий комфортлиги (қулайлик даражаси, шинамлиги) бўйича 1 жадвал бўйича қабул қилинади.

Квартирадаги ҳар бир хонанинг шамоллатилиши ҳаво оқимининг ўтиши орқали (сквозной) таъминланмоғи лозим: карама – қарши фасадлардаги дераза оралиқлари форточкалари орқали горизонтал йўналишда ҳавонинг “оқиб” ўтиши ёки аграцион шахталар ёрдамида вертикал шамоллатиш. Бунда йиғма шахта кўндаланг кесимининг умумий юзаси шамоллатиладиган хона умумий юзасининг $1/20$ қисмини ташкил этиши ҳисоблаб топилган. Вертикал шамоллатишда йиғма шахтага уланиш битта қаватдан кейин тирсаксимон канал билан амалга оширилади. Бир томонли ориентацияга эга бўлган квартиралар учун вертикал шамоллатиш мажбурийдир.

Юқори комфортли квартираларнинг яшаш ва ёрдамчи хоналари: меҳмонхона, умумий хона, кундузи кабинет вазифасини бажарувчи ота – она ётоқ хонаси, ўйин ва қизиқиши бўйича машғулотлар ўтказиладиган болалар ётоқхонасидан ташкил топган яшаш қисми икки зонага гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир:

